

ХИВА МАДРАСАЛАРИ.

Сафаров Элдор

УЗМПУ магистранти

Ватанимизнинг маданий ва маънавий тарихини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш бугунги кунда долзарб масалалардан ҳисобланади.

Хива тарихидаги мадрасаларнинг хронологик тартиби, архитектуравий тузилиши, мадраса бошқаруви ва унинг маданий ҳаётга кўрсатган таъсирини илмий-адабий тарихий нуқтаи-назардан тадқиқ этиш мавзумизнинг асоси ҳисобланади.

Мадрасаларнинг тузилиш тарихи, ўқитиш структураси, мадраса бошқаруви ҳамда, мадрасаларга тегишли бўлган вақф ерлари тўғрисида фикрлар келтирилади. Тарихчи А.Абдурасулов тадқиқотида ўрганганимизда, мадраса курдирмоқчи бўлган киши аввалига барчага тўй берган, соҳибкор (қурилиш бошлиғи), ҳисоб китоб юритувчи девонбеги тайинланган. Мадрасада диний ва дунёвий илмлар ўргатилган, айтиш мумкин ашула айтиш ва кўнгли очар ўйинлар ман этилган.

Ҳар бир мадраса бошқаруви қуйидагича: мадрасанинг имом (ҳокими), муаззини, ўқитувчилари, фарроши, сартороши ва мешкобчиси бўлган. Мутаваилининг вазифаси-буюмлар ва вақф ерларидан фойдаланиш охун ва муаллимларга маошни тўлаш бўлиб, улар ўқув ишларига аралашмаган.

Муаллимларни “охунлар” ёки “мударрислар” дейишган. Мадрасалар қурилиши тугатилиши билан хон томонидан уларга вақф ерлари ажратилган. Барча мол-мулк Шайхулислом тариқидан муҳрланиб, қонунийлаштирилган. Бу тайинланган шахслар талабаларнинг билим олишлари учун энг асосий жавобгар кишилар бўлишган. Катта мадрасаларда охунлар сони кўп бўлган.

Хива мадрасалари тарихи тўғрисида изланишларимизга олиб борилган тадқиқотлар ва изланишлар яқиндан ёрдам беради. Дастлабки манбалар муаррихларимиз томонидан яратилган бир қанча асарлар жумладан, Баёнийнинг “Шажараи Хоразмшоҳий”, Мунис ва Огаҳийларнинг “Фирдавс ул-икбол”, “Шоҳиди ул-икбол” асарлардир. Замондош тарихчиларимиз томонидан яратилган асарлар, В.А.Булатова, И.И.Ноткинларнинг “Хива обидалари”, Солий Ҳасановнинг “Хоразм маърифати-олам кўзгуси”, Қ.Мунировнинг “Хоразмда тарихнавислик” (XVII-XIX ва XX аср бошлари), А.Абдурасуловнинг “Хива”(тарихий-этнографик очерклар) асарлари шулар жумласидандир.¹⁸

¹⁸ Баёний. “Шажараи Хоразмшоҳий”. Т.: Камалак. 1991. Б.336. В.А.Булатова ва И.И. Ноткин. Хива обидалари. Т.: Ўзбекистон. 1972. 592, Абдурасулов А. Хива: (тарихий-этнографик очерклар). Хиванинг 2500 йиллигига

Баёнийнинг “Шажарайи Хоразмшоҳий” асарида ҳам баъзи бир мадрасалар тўғрисида аниқ маълумот берилган. Хижратнинг 1322/1904-1905 йилларида Қори баззоз (матой сотувчи) исмли кишининг ҳовли сотиб олиб, у ерда бир минорали мадраса солгани ҳақида маълумот беради.

Хижрий 1332/1914 йили хон Асфандиёрхон буйруғи билан бино қилинган мадрасани кўрганида “ул мадраса бағоят тангу тор ва кўп кичик ва бадбичим бўлубдур. Хон ҳазратлари паришон бўлиб, ноилож они йикдурмоққа фармон бердилар”¹⁹. Ашур маҳрам исмли киши бир неча мадрасани бузиб, мадрасанинг шарқий шимоли тарафида Хивада мадраса бино қилган, тўрт тарафида тўрт минора ва ичида тўрт дарсхона биноти қурилган²⁰. Баёнийнинг бу фикрларидан маълум бўладики, ўша даврда ҳам мадрасаларга бўлган талаб етарли бўлганлигини кўрсатади.

“Хива обидалари” асарида Хиванинг тарихи, архитектура ёдгорликлари билан таништиради ва жумладан мадрасалар ҳақида кўплаб маълумотларни келтиради. Асфандиёрхон (1623-1643) ва Абулғозихон (1645-1663) даврида ҳукмронларнинг бутун эътибори ҳаётда энг зарур бўлган ирригация қурилмалари ва муҳофаа иншоотлари қуришга қаратилган эди. Бироқ, бу даврга оид мадрасалар сони кўп бўлмаганлигини улардан фақат Араб Муҳаммад мадрасаси (1616 йил), Абулғозихон ўғли Анушахонга қурдирган мадраса (1657 йил) ҳамда Хуржун мадрасалари (1688 йил)ни келтириш мумкин¹. Жумладан, “Хоразм маърифати-олам кўзгуси”² асарида эса, Абулғози Баҳодирхон ёшлигидан ўз отаси номи билан аталувчи Араб Муҳаммад мадрасасида илм олганлиги ва замонасининг энг етук мударрисларидан, олиму фузолаларидан таълим олганлигини таъкидлайди. Юсуф Баёний ўзининг тарихий ва ҳаққоний асарларини яратишда ўзи таҳсил олган Араб Муҳаммад мадрасаси асосий роль ўйнаган.

“Хива обидалари”¹ни ўрганиш билан 1688 йилда барпо этилган Хуржун мадрасаси ҳақидаги маълумотга эътибор қаратамиз. У шаҳар дарвозаси яқинида бўлиб, кичик ҳовли тевагаида жойлашган 10-12 хужра ва масжиддан иборатдир. 1835-йилда Оллоқулихон мадрасаси қурилгандан сўнг, Хўжамбердибий мадрасаси бузиб ташланади ва ўрнига янги бино қурилди. Оллоқулихон мадрасаси пештоқи олдида ўтиш учун Хўжамбердибий мадрасаси хужраларининг эски гумбазлари

багишланган. – Т., 1997. Қ. Муниров. Хоразмда тарихнавислик.-Т.: ЎЗР ФА ШИ. 2002 Б.192.; Солий Ҳасанов. Хоразм маърифати-олам кўзгуси.-Т.: 1996. Б.302.

¹⁹ Баёний Шажарайи Хоразмшоҳий. Т. “Камалак”. 1991. 252-253б.

²⁰ Баёний Шажарайи Хоразмшоҳий. Т. “Камалак”. 1991. 265.б.

бузиб ташланади. Деворлар тупроқ тагида қолиши натижасида ҳовли саҳни иккига бўлиниб қолади. Шу сабабли, бу мадраса Хуржун номи билан атала бошланади¹.

Хива мадрасалари ичида Шерғозихон мадрасаси (1718-1719 йиллар) алоҳида ўрин тутган. Ривоятларга кўра, Хива шаҳридаги Шерғозихон мадрасаси Шерғозихоннинг Машҳадга қилган муваффақиятли юриши (1718 – 1719) шарафига қурилган бўлиб, маълумотларга кўра у, юришдан олиб келинган беш минг асир меҳнати билан барпо этилган⁴. Қурилишнинг якунида қул қилинганларни озод этишни ваъда қилган хон сўзининг устидан чиқмаганлиги учун исён кўтарган қуллар томонидан тўла қуриб битказилмаган мадрасада ўлдирилган. Мадраса Паҳлавон Маҳмуд мақбарасининг жануброғига жойлашган. Мадрасанинг ғарб томонига ёндошган учта катта бўлмаган гумбазли бинони Шерғозихон қабрига қилинган мақбара дейишади. Аниқроқ маълумотларни эса ўймакор ёдгорлик лавҳалардан олса бўлади. Лавҳаларга вақфнома чекилган бўлиб, мадрасанинг вақф ерларининг миқдори ва даромаднинг мадраса аҳлларига тақсимланиши ҳақида, интизом қоидалари ва бинонинг қурилиш даврига оид хабарлар бор. 1718-1719 йиллари қурила бошланган бу мадраса бир йилдан кейин тугалланган эди.

Хоразм илм ўчоқларидан бўлган мадрасалар тўғрисидаги юқорида келтирилган маълумотлардан шуни хулосалашимиз мумкинки, турли даврларда яратилган турли маълумотлар эканлигига қарамасдан, улар бир-бирини тўлдиради. Хива халқи усталари мадрасалар қурилиш архитектурасини қайтарилмас гўзаллик билан яратишган. Мана шундай архитектура ёдгорликлари “Очиқ осмон тагидаги музей” иборасини олишга муваффақ бўлган. Асрлар оша бу мадрасалар Маъмун Академиясидек дунёга машҳур илм ўчоғини дунёга келтирган. Бу мадрасалардан оламга машҳур бўлган буюк инсонлар етишиб чиқди.

¹ В.А.Булатова ва И.И. Ноткин. Хива обидалари. Т.: Ўзбекистон. 1972. Б92.

² Солий Ҳасанов. Хоразм маърифати-олам кўзгуси.-Т.: 1996. Б.302.